

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



# Vaziyat

2022 йил  
8 сентябрь  
№ 36 (873)



**2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

### INSTITUTDA DAVRA SUHBATI

Yong'in xavfsizligi va favqulodda vaziyatlar muammolari ilmiy-tadqiqot institutida "Mamlakatimizda intellektual mulk sohasida olib borilayotgan islohotlar" mavzusida davra suhbati o'tkazildi.



Mazkur tadbirda Adliya vazirligi huzuridagi Intellektual mulk markazi Ixtiro va foydali modellar bo'limi boshlig'i Ikromjon Abduqodirov qatnashib, intellektual mulk sohasida so'nggi yillarda olib borilgan islohotlar natijasida ilmiy-tadqiqot bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilar va tadbirkorlar uchun yaratilgan qulayliklar haqida batafsil ma'lumot berdi.

Tadbir davomida ma'ruzachi tomonidan ixtiro obyektlari, ularning turlari, shuningdek, ixtiro, foydali model va sanoat namunasi uchun talabnoma rasmiylashtirish tartibi, dastlabki ekspertiza hamda mohiyat ekspertizasi o'tkazilishida hisobga olinadigan omillar, davom etish muddati to'g'risida atroflicha ma'lumot berildi. O'z navbatida, institutning yosh tadqiqotchilari ham o'zlarini qiziqtirgan savollarga javoblar oldilar.

FVV Matbuot xizmati.



### ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Тошкент шаҳар ФВБ ва мутасадди идоралар ҳамкорлигида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида Юнусобод тумани 70-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари 17-ёнгин-қутқарув қисмида бўлиб, қутқарувчилар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Танишув жараёнида ўқувчиларга малакали мутахассислар томонидан назарий ва амалий сабоқлар берилиб, ёшлар фавқулодда вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда махсус техникалар, ёнгин-қутқа-

рув асбоб-анжомларидан фойдаланиш бўйича зарур маълумотларга эга бўлдилар.

Ўз навбатида, ўқувчилар қутқарувчи акаларининг ёрдамлари ва назорати остида ёнгин-қутқарувчи кийим-бошларини кийиб, махсус асбоб-анжомларни амалда ишлатиб кўрдилар.

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш, деганларидек, ушбу сабоқлар ўқувчи ёшларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид билимларини янада мустаҳкамлади.

ФВВ Matbuot xizmati.

УШБУ СОНДА:

ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР НАМОЙИШИ



4-бет

ГУЛИСТОНДА ТАРФИБОТ



5-бет

ЭМЛАШ ТАДБИРЛАРИ



6-бет

ҚИЗҚАРЛИ ФАКТЛАР...



8-бет

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча ислохотлар жорий этилмоқда.**

Кейинги йилларда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Судлар мустақиллигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлардан мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини янада мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уни ҳақиқий адолат кўрғонига айлантириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва ролини кучайтиришдир.

Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш масалалари доимий эътиборда турибди.

Ўтган даврда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят про-

цессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукамал тизими яратилди. Содир этилган ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш жараёни, олинган кўрсатмаларни текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видеотаъсир орқали қайд этиш шартлигининг қонуний асослари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими жиноят содир этишда гумонланаётган шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, шунингдек, ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш ҳамда унга бўлган нарсасизликларни олиб қўйиш тарзидаги тергов ҳаракатларини ўтказишга, бу жараёнлар видеоёзувга қайд қилиниши лозим бўлади.

Шу билан бирга, амалиётда шахсни ушлаш чоғида видеоёзув воситаларини қўллаш имкони бўлмайдиган турли вазиятлар бўлиши мумкинлиги инобатга олинди. Қонунда ушлаб туришни видеоёзув орқали қайд этишнинг мажбурийлигини белгиловчи қоидага истисно ҳам назарда тутилган.

Яъни шахсни ушлаш, шахсий тинтув ва олиб қўйишни ўтказишнинг кечиктириб бўлмайдиган ҳолларида, масалан, жиноят содир этилган жойда шахсни ушлаш, қидирувда юрган шахсни қўлга олиш каби тезкор жараёнларда ушбу амалиётларни видеоёзув орқали қайд этмасдан ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг ваколатли шахс видеоёзувдан фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини мажбурий тартибда тушунтиради.

Маълумки, жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир.

Қонунга киритилган ўзгаришларга қўра, эндиликда ҳимоячидан воз кечиш жараёни ҳам видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди. Мазкур жараён туширилган видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади.

Мазкур қонун билан амалиётда юзага келаётган кўп-кўп норозиликлар ва тушунмовчиликларнинг олди олинади, шу билан бирга, қонуннинг тўлиқ амал қилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан берилётган шикоятларнинг камайишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жорий қилинган ушбу янги ва одил ислохотлар жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Дилшод ҚАЮМОВ,**  
Қарши ҳарбий судининг раиси.

## САЙЁР ҚАБУЛ

**Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.**



Тадбирларда Термиз ҳарбий прокурори бошчилигида вилоят Адлия, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Бандлик бошқармалари, банк ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Асосий эътибор ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ва турар-жой муаммоларини ечишда кўмаклашиш, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларини иш билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, муаммоларни жойида ҳал қилишга қаратилди.

Сайёр қабулда 100 дан ортиқ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қатнашди. Турли соҳаларга оид 38 та мурожаат қабул қилинган бўлса, улардан 13 таси жойида қаноатлантирилди, 3 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди ва қолган мурожаатларга қонуний асослантирилган ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

**Ғиёсиддин РАҲМОНОВ,**  
Термиз ҳарбий прокурорининг  
катта ёрдамчиси, адлия майори.

**Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси ва Наманган шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда марҳум оддий аскар Каримов Алимардон ота-онасининг уйига ташриф буюрилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди ва уларга Мудофаа вазирининг пул мукофоти ҳамда ҳокимлик томонидан байрам совғаси топширилди.**

## ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМ

Тадбирда Наманган ҳарбий прокурори Д.Раҳмонов, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Ҳаджихмадов, Наманган шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари Р.Исоқов, Наманган шаҳар мудофаа ишлари бўлими

бошлиғи, подполковник Б.Тошев ҳамда нуронийлар иштирок этдилар.

**Қурбондурди ПОЛВОННАЗИРОВ,**  
Наманган ҳарбий прокурорининг  
ёрдамчиси.



## ОДАМ САВДОСИ – КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲ

**Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноят бўлиб, чегара танламаслиги, ўз гирдобига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётгани билан хавфли ва ташвишлидир.**

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бироқ, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бу ҳуқуқнинг кўпол тарзда бузилишига олиб келмоқда.

Сўнгги йилларда дунёда одам савдоси жинояти оқибатида юзага келаётган глобал хавф ортиб бораётгани бу иллатга қарши

жиддий кураш олиб боришни талаб этмоқда. Мамлакатимизда ноқонуний миграция ва одам савдосининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирсак. Судланувчилар Р.М. ва А.Қ.лар эндигина 22-23 ёшга тўлган. Улар шу йилнинг баҳорида жабрланувчи қизни хориж давлатида фоҳишалик билан шуғулланишга кўндиришди. Ҳатто хорижга чиқишга кетадиган харажатларни ҳам тўлаша-

ди. Орадан бироз вақт ўтгач, жабрланувчи қора ниятли икки аёлнинг ноқонуний ишларига чек қўйиш мақсадида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади. Ўтказилган тезкор тадбир жараёнида одам савдоси билан шуғулланишни касб қилган икки аёл аэропортда қўлга олинади. Суриштирув ва тергов жараёнида уларнинг қилмишлари фош этилади. Суд судланувчиларга жазо тайинлашда уларнинг муқаддам судланмаганлиги, аёл киши эканлиги, оилавий шароитини ҳисобга олади.

Агарда ушбу жиноятнинг олди олинмаганда, чет мамлакатга юборилган қиз азоб-укубатга учраб, хор-зор бўлиши мумкин эди. Пул ишлаш учун жирканч ишга қўл урган-

лар бугун қонуний жазога тортилган.

Одам савдоси — жирканч жиноят, худуд билмайдиган жиноят. Шунинг учун ҳам унинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идораларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Тўғриси, бу ҳақда кўп гапирилмоқда, аҳоли огоҳлантирилмоқда. Аммо шунга қарамай, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳамон содир этилмоқда, ёшларимиз алдовлар қурбони бўлиб қолишмоқда. Юқорида келтирилган кўнгилсиз мисоллар тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Рустамжон РАҲМОНОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Миробод  
туман судининг судьяси.

## ГЕНЕРАЛ БИЛАН УЧРАШУВ

Наманган шаҳридаги 13-умумтаълим мактабда ўтказилган “Биринчи қўнғирок” тадбирида вилоят ФВБ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов иштирок этди.



Давлатимиз мадҳияси билан бошланган байрам тадбирида ўқувчилар янги ўқув йили бошланганлиги муносабати билан муборакбод этилиб, уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари, маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом бўлишлари, олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидлаб ўтилди ва ўқувчи ёшларга китоблар совға қилинди.

Наманган вилояти  
ФВБ ахборот  
хизмати.

2022-2023 ўқув йилида барча таълим муассасаларида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” шиори остида “Мустақиллик дарслари” ўтказилди.

## ЭЗГУ ШИОР ОСТИДА

Бухоро шаҳридаги 43-умумтаълим мактабда ўтказилган мазкур тадбирда вилоят ФВБ бошлиғи полковник А.Абдухаликов иштирок этди.

Бошқарма бошлиғи ўз сўзида мустақиллик йилларида юртимизда барқарор, тинч ва осуда ҳаёт, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар туфайли янада мустақамланиб бораётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, ўқувчи-ёшларга республикада мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқ ва забот этилган марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганлиги аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилди.

Миржон ФАЙЗУЛЛОЕВ,  
Бухоро вилояти ФВБ ОАВ ва  
ЖТБХҚГ бошлиғи,  
капитан.

Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i polkovnik F. Mirzayev Qarshi shahridagi 31-umumta'lim maktabida “Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz!” mavzusida tashkil etilgan “Mustaqillik darsi”da ishtirok etdi.

## MUSTAQILLIK DARSII

Polkovnik F. Mirzayev dars davomida barcha o'quvchi yoshlarni yangi o'quv yili bilan tabriklab, puxta bilim olish va berilayotgan yuqori imkoniyatlardan unumli foydalanish zarurligini aytdi.

S. VAYITOV,  
Qashqadaryo viloyati  
FVB matbuot xizmati  
boshlig'i, kapitan.



## БИЛИМЛАР КУНИ

Фарғона вилояти ФВБ бошлиғи подполковник Илҳомжон Қўчқаров билимлар куни муносабати билан Фурқат туманидаги 9-умумтаълим мактабда ўтказилган байрам тадбирида иштирок этди.



Тадбирда подполковник Илҳомжон Қўчқаров сўзга чиқиб, янги ўқув йилида барча

ўқувчиларга катта иштиёқ ва куч-қувват тилаган ҳолда, ўз ютуқлари билан устозлари ва яқинларининг юзини ёруғ қилишларига тилак билдирди.

Шундан сўнг мактабга янги қабул қилинган биринчи синф ўқувчиларига муҳтарам Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

А.АЛИЖОНОВ,  
Фарғона вилояти  
ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ  
бошлиғи,  
катта лейтенант.

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Ўзбекистон тарихан анъанавий ислом кенг тарқалган ҳудудлардан ҳисобланади. Бу дин кўҳна тарихимизда ўзининг инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик ва юксак ахлоқийликни даъват этувчи гоёлари билан маънавий ҳаётимизни юқори даражага кўтариш учун хизмат қилиб келмоқда.

Ҳаёт талабларига мумкин қадар асосланган ҳолда Куръон ва ҳадисларга мувофиқ баён этилган шариат аҳкомлари — дунёвий давлат қонунлари билан бир вақтда жамиятни иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий, ахлоқий жиҳатлардан мустақамлаш ва юксалтириш учун муҳим омиллардан бири бўлган. Шуниси аёнки, суннийликнинг ҳанафий мазҳабига мансуб бўлган мусулмонлар яшайдиган ҳудудимизда аҳолининг фундаментализм, айниқса, экстремизмга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Хўш, диний фундаментализм, шу жумладан, ислом фундаментализми ва унинг келиб чиқиши, моҳияти деганда нимани тушунмоқ керак?

Фундаментализм тушунчасининг асл келиб чиқиш илдизини республикамиз олимларидан бири профессор Ҳ.Кароматов ўзининг «Фундаментализм ёхуд тўқликка шўхлик» деган мақола-асарида жуда ўринли далиллар билан асослаб берган. Олимнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда фундаментализм деганда аксарият ҳолларда ислом фундаментализми назарда тутиляпти. «Аслида, — деб ёзган эди у, — фундаментализм ХХ асрда христиан «модернизми»нинг ривожига қарши вужудга келган ўзига хос христиан оқимига берилган номдир. Мазкур модернизм турли соҳаларда акс таъсир туғдириб, Америка Қўшма Штатларида айниқса шиддатли тус олди».

XX асрнинг охириги чорагида исломнинг қайта жонланиши жараёнига узвий боғлиқ бўлган оқимлар, ҳаракатлар шу ном билан аталадиган бўлди. Ислам фундаментализми, мусулмон фундаменталистлари деган атама-лар шу тарзда ишлатила бошланди; бу атама ортодоксал исломнинг тикланиши ва шу хусусдаги тадқиқотларнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Шу тариқа у ҳозирги замон исломидаги уч оқимнинг бирига айланди. Қолганлари ислом традиционализи ва модернизмидир. Анъанавий ислом тарқалган мамлакатлар — Миср, Жазоир, Тунис, Ливия, Туркия, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Сурия, Ироқ каби мамлакатлар жаҳон мустақамлақчилик тизими парчалангандан сўнг мустақил ривожланиш йўлига ўтдилар. Натижада ХХ асрнинг 80-90 йилларида уларда юз берган ижтимоий-иқтисодий силжишлар негизда бутун дунёда диний омил, айниқса, ислом омили фаоллашди. Бу даврда икки бир-бирига зид майл дунёга келди. Бир томондан, бутун дунёда диний эътиқоднинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги маъқеи тиклана бошлаган эди; иккинчи томондан, бу майлга қарши мафқураларга мойиллик шаклланган эди: бу икки майл орасида зиддиятлар юзага кела бошлади.

Мазкур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий

ва маънавий зиддиятлар асосида «ислом омили», «ислом уйғониши», «ислом феномени», ислом фундаментализми деган атама-лар, «исломлаштириш», «сиёсийлаштирилган ислом» каби тушунчалар ва улар байроғи остида турли оқимлар пайдо бўлди. Булар қаторига «Мусулмон биродарлари», «Ҳизбуллоҳ», «Ваҳобийлик», «Ҳизб-ут таҳрир ал-исломий» каби ўнлаб ташкилот, партия, уюшмалар кирарди. Булар экстремистик, террористик хусусият касб этган. Ваҳобийлар фундаментализмда, бинобарин, ақидапарастликда Ибн Ҳанбал таълимотидан ҳам сўллашиб, мақсад ва таълимотлари ўтмаган ҳудудларда куч, ҳатто қилч ишлатишга жаҳду жадал қилганлар. Уларнинг таълимотича, пайғамбар, мусулмон оламининг азизлари қабрларини зиёрат қилиш бидъат ҳисобланган, фақат Аллоҳга сиғиниш фарздор деб тарғиб қилинган. Улар сўфийлар таълимотини исломга зид деб даъво қилганлар.

Маълумки, суннизм йўналишида фақат 4 мазҳаб мусулмон фақиҳлари, муфассирлари, муҳаддислари, энг нуфузли уламолари эътироф қилган мазҳаб деб ҳисобланади. Булар ҳанафий, моликӣ, шофийӣ, ханбалӣ бўлиб, уларнинг ичида энг кенг тарқалгани ҳанафий мазҳабидир. Олимларимизнинг фикрича, дунёда 1,4 миллиарддан зиёд мусулмон аҳолиси бўлиб, шундан 92,5 фоизини суннийлар ташкил этади. Жами суннийлардан ҳанафийлар 47 фоиз, шофийлар 27 фоиз, моликӣлар 17 фоиз ва ханбалӣлар 1,5 фоизни ташкил этади. Қолган 7,5 фоизи шиалар, ибодийлар ва хорижийлардан иборат. Исламнинг

## Маънавият соати

14 асрлик тарихи шуни кўрсатадики, унда ҳар қандай янги бир мазҳабни тарғиб қилиб, тоифачиликка берилиш ёки бирор оқим яратишга интилиш доимо сиёсий ва ғаразғўйлик мақсадларига хизмат қилган. Ваҳобийлар суннийларнинг фақат 1,5 фоизини ташкил этувчи ханбалӣлар мазҳабига мансуб бўлиб, улар асосан Саудия Арабистонида яшайди. Улар дунёвий кадрларга нисбатан ўта мураси-сиз диний мафқурага асосланган. Ваҳобийлар суннийликдаги жуда озчилиқни ташкил этувчи ханбалӣлар оқимига мансуб бўлишига қарамай, мусулмон аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи ҳанафийларни ислом динидан чекинувчилар деб ҳисоблайдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, турли мамлакатларнинг қонун чиқарувчилари терроризмнинг ягона таърифига келишмади. МДҲга аъзо давлатларнинг Жинойат кодексларида қайд этилган террористик жинойатларнинг хатти-ҳаракатлари ва белгиларини ўрганиш ва умумлаштириш бўйича В.П.Эмелянов терроризмнинг куйидаги таърифини ишлаб чиқарди: терроризм — бу ҳар қандай қарор қабул қилишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш мақсадида аҳолини ёки ижтимоий гуруҳларни кўрқитишга қаратилган оммавий равишда содир этилган умумий хавфли ҳаракатлар ёки таҳдидлар бўлиб, уни террорчилар манфаати учун рад этишдир.

Ислом МУҲАМЕДОВ,  
ФВБ Академияси катта ўқитувчиси, майор.  
Қаҳрамон ИБРАГИМОВ,  
Тошкент Божхона институти курсанти.

**Qashqadaryo viloyati FVB maxsus vazifalarni bajaruvchi mintaqaviy qutqaruv otryadi qutqaruvchilarining jangovar tayyorgarlik darajasi sinovdan o'tkazildi.**

## JANGOVAR SINOV

Unda boshqarma boshlig'i polkovnik Farhod Mirzayev ishtirok etib, qutqaruvchilardan o'z ustida tinimsiz mehnat qilish hamda qutqaruv jarayonlarida jangovar va ruhiy tomondan doimo shay holatda bo'lish lozimligini ta'kidlab o'tdi.

**Ulug'bek JUMANOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati yetakchi mutaxassisi.



## ЎТ ЎЧИРГИЧЛАР

*Транспорт воситаларида қандай ўт ўчиргичлар қўлланилади?*

Буларга қувват оғирлиги 2-5 кг. бўлган карбонат ангидридли ва кукунли ўт ўчиргичларни мисол қилиш мумкин.

Ўт ўчиргичларни машинанинг қаерида сақлаш керак?

Ўт ўчиргичлар биринчи тиббий ёрдам тўплами билан бирга ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган жойларда бириктирилган ҳолатда жойлаштирилган бўлиши лозим.

Агар бундай жойлар назарда тутилмаган бўлса, энгил автомобилда ўт ўчиргич йўловчи саломида ёки бағажда, микроавтобусда эса ҳайдовчи учун қулай жойда сақланиши керак. Автобусда иккита – ҳайдовчи кабинаси ва йўловчилар саломида биттадан қурилма бўлиши зарур.

Йирик ва ўрта автобусларда ойналарни синдириш учун болғача ҳам бўлиши лозим.

Электр жиҳозлари мавжуд бўлган биноларда одатда карбонат ангидридли ва кукунли ўт ўчиргичлар қўлланилади. Уларнинг сони эҳтимолий хавф ва биноларнинг вазифасига боғлиқ. Ўт ўчиргичнинг ёрлиғида қурилма самарали бўлган ёнғин тури доимо кўрсатилган бўлади.

Бинолардаги ўт ўчиргичларни эҳтимолий ёнғин содир бўладиган жойдан 30 м. узоқроққа, югуриш талаб этилмайди-ган тарзда жойлаштириш лозим.

Ёнғин ҳодисаларини бартараф қилишда ўт ўчиргичлар сув ва ҳаводай зарур бўлар экан, уларга оид маълумотлардан хабардор бўлиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

**Абдужаббор СОТВОЛДИЕВ,**  
Ёзёвон тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи,  
лейтенант.



## ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази ўқув йиғинига жалб этилган ёнғин-қутқарув автомобили қутқарувчи-ҳайдовчилари таркибига юртимиздаги "JV MAN Auto Uzbekistan" МЧЖ қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнғин-қутқарув автомобиллари бўйича маълумотлар берилиб, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, қутқарув ишларида фойдаланиладиган асбоб-анжомлар бўйича тушунтиришлар олиб борилди.

**Жасур ХОЛМУРОДОВ,**  
ФВВ Академияси ҳузуридаги БТвМОМ  
цикл ўқитувчиси, майор.

## ГИДРАНТЛАР СОЗЛИГИ УЧУН



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Андижон Биокимё заводи" АЖ ҳудудида жойлашган мавжуд ер ости сув олиш гидрантлари, 2 та 5000 м<sup>3</sup> ҳажмдаги очиқ сув ҳавзалари ҳамда цех ва бўлимлар қаватларига ўрнатилган барча ички ёнғин ўчириш жўмраклари бўлинма шахсий таркиби ҳамда соҳага алоқадор мутахассислар иштирокида текширувдан ўтказилди. Текширув давомида носоз ҳолатда бўлган 2 та ер ости сув олиш гидранти ҳамда 6 та ички ёнғин ўчириш жўмраги

таъмирланиб, соз ҳолатга келтирилди.

Бундан ташқари, ички ёнғин ўчириш жўмракларида мавжуд яроқсиз ҳолатга келиб қолган босим остида ишловчи энглар янғисига алмаштирилди. Шу билан бир қаторда "А" тоифага кирувчи биноларга ўрнатилган ёнғинни автоматик ўчириш қурилмалари сув етказиб бериш насослари ҳам текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Қ.УЗОҚОВ,**  
"Андижон Биокимё заводи" АЖ БЭХТТЭБ катта инспектори, капитан.

**"Қамчиқ" махсус-қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари бўлиб ўтди.**

## ДОВОНДА МУСОБАҚА



Бошқарманинг қутқарув отряди, авария-қутқарув отряди ва ёнғин қутқарув отряди ҳамда хизматчи қутқарувчилар ўртасида спортнинг югуриш, турникда тортилиш, футбол ва ёнғин ўчириш амалий спорти тури бўйича мусобақалар ўтказилди.

Натижаларга кўра, тоғ тайёргарлиги мусобақасида "Хизматчи қутқарувчилар" гуруҳи 1-ўринни, мини футбол бўйича "Қутқарув отряди" жамоаси 1-ўринни, 3 км.га югуриш бўйича хизматчи И.Умирзоқов 1-ўринни қўлга

киритди.

Шунингдек, турникда комплекс куч машқини бажариш бўйича оддий аскар П.Мадиев биринчи ўринни эгаллади.

Тадбир якунида ғолиблар бошқарма бошлиғининг эсдалик совғалари ва ташаккурномлари билан тақдирландилар.

**Ш.АБДУСАТТОВА,**  
"Қамчиқ" махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси етакчи мутахассиси.

## ЎРГАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**Профилактик тадбирлар доирасида Оқолтин, Сайхунобод ва Сардоба туманларидаги мактабгача таълим ташкилотларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ишчи гуруҳлар тартибда ўрганилмоқда.**

Ҳозирда ушбу тадбирлар давомида аниқланган қоида бузилиш ҳолатларини жойида бартараф этиш ишлари назоратга олинган.

Айтиш мумкинки, аниқланган 11 та камчиликнинг 8 таси жойида бартараф этилиб, қолганларининг ижроси юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

**Сардорбек ШЕРМАТОВ,**  
Оқолтин тумани ФВ бўлими НТ бўлинмаси бошлиғи,  
катта лейтенант.

**Шарофжон ЖўРАЕВ,**  
Сардоба тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари,  
катта лейтенант.

## ЎФРИЛИК КЎЧАСИДАГИ АЁЛ

**Ҳар бир мамлакатда амалга татбиқ этилган қонун-қоидалар шу ҳудудда яшайётган инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Кимки ана шу қонунларга амал қилмаса, бўйсунмаса, албатта, унинг қаршисида жавоб бериши табиий.**

Тошкент шаҳрида туғилиб, шу ҳудудда истиқомат қилиб келаётган Д.М. ҳам жамиятимиздаги хотин-қизлар сингари ибодати, ҳаёли, солиҳа аёл бўлиб, ўз оиласининг файзи, фарзандларининг меҳрибон волидаси, турмуш ўртоғининг суюкли ёри бўлиб яшаши мумкин эди. Аммо,

у муштипар она, гўзал ва фариштали аёл деган улғуномга доғ туширди. Қинғир ишлари уни бир неча бор панжара ортига равона қилди. Қайта-қайта қилинган жиноий ишлари ҳам унга сабоқ бўла олмади. Д.М. хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мол-мулкни яширин

равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 6 ноябрь куни соат 11:00 ларда, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Ат-Термизий кўчасида жойлашган "Norig House" дўконида жабрланувчи Н.А.нинг сумкасида 12 миллион 500 минг сўм пулини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яшринади.

Олиб борилган тезкор суриштирув натижасида Д.М. жабрланувчи Н.А.нинг сумкасида 12 миллион 500 минг сўм пулни ўғирлагани аниқланди. Жиноятчи қилмишини

тан олиб, қилган ишидан яна бир бор қаттиқ пушаймон эканлигини билдирди. Аммо у эгри қилмиши учун тавба қилганига ҳуқуқ-тартибот органи ходимларини ҳам, жабрланувчини ҳам ишонтира олмади. Чунки жиноятни касб қилиб олган бу аёл такрор жиноят қилаверганидан атрофдагиларда Д.М. га нисбатан ишончи буткул сўнган эди.

**С.ИБАДОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани суди судьяси.

**Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

## ТАРАҚҚИЁТГА ТЎСИҚ

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи томонидан жойларда профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Деҳқонобод тумани ФВ бўлимида ҳам Аксилкоррупция ҳафталиги доирасида "Коррупция ривожланишимизга тўсиқ" мавзусида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, унга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва юридик хизмат кўрсатиш ҳамда адлия бўлими вакиллари жалб этилган ҳолда коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, замонавий аксилкоррупцион тизимларни жорий этиш каби масалаларига оид давра суҳбатлари, маънавият соатлари ўтказилди.

**Ўткирбек ЙЎЛДОШЕВ,** Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.

## DASTUR DOIRASIDA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 18-martdagi "2022-2026-yillarda "Ohod qishloq" va "Ohod mahalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori ijrosini ta'minlash maqsadida poytaxtimizning Olmazor tumanidagi sektorlar kesimida aholining ijtimoiy qatlamini yaxshilash, kam ta'minlangan oilalarda aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan bir qator tadbirlar amalga oshirilmoqda.



Tadbirlar davomida tumandagi "Beruniy" mahallasi Nozimaxonim ko'chasida 1700 m<sup>2</sup> asfalt qoplamasi yotqizilib, fuqarolarni qiynab kelayotgan yo'llardagi noqulayliklar bilan bog'liq masalalarni hal etishga erishildi.

**M. MURODOV, A. MUHAMMADJONOV,**  
Olmazor tumani FV bo'limi xodimlari.

## HUSHYORLIKKA CHORLOV

Haftaning har chorshanbasi — profilaktika kuni doirasida favqulodda vaziyatlarning oldini olish borasidagi targ'ibot tadbirlari tashkil etib kelimoqda.



Xususan, Shahrisabz tumani FV bo'limi tomonidan tumandagi yangidan bunyod etilayotgan ko'p xonadonga mo'ljallangan qavatli uy-joylar qurilishida 20 nafarga yaqin quruvchi va mas'ullar o'rtasida mehnat muhofazasi va yong'in xavfsizligi talablariga rioya etish yuzasidan targ'ibot va tushuntirish ishlari amalga oshirildi. Shuningdek, tuman aholisi uchun yangidan qad rostlayotgan boshqa qurilish maydonlarida quruvchilar ishtirokida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan yong'in va boshqa favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish ko'nikmasini shakllantirishga qaratilgan o'quv-amaliy mashg'ulotini tashkil etilib, unda shartli halokatni qisqa vaqt ichida bartaraf etish tartiblari amaliy tarzda ko'rsatib o'tildi.

Tadbirlar davomida qurilish mas'ullariga, yonuvchi qurilish materiallarini yong'inga qarshi oraliqlarda saqlash taqiqlanishi, maydoni 2 va undan ortiq gektarga teng qurilish hududida kamida ikkita qarama-qarshi tashkil etilgan kirish joylari bo'lishi lozimligi, yo'llar yilning barcha fasllarida yong'in-qutqaruv avtomobillari o'tishi uchun qattiq qoplamaga ega bo'lish, kirish joyining eni 4 m. dan kam bo'lmasligi hamda qurilish maydonlarining isitish xonalarida olovli ishlarni bajarishga, shuningdek, elektr kaloriferlaridan va infraqizil nurlanishli gazli gorelkalardan foydalanishga yo'l qo'yilmasligi haqida tushunchalar berib borilmoqda.

**Akbar RAHMATULLAYEV,**  
Shahrisabz tumani FV bo'limi  
bo'linma boshlig'i, kapitan.

Иситиш мавсумини нохуш вазиятлар-сиз ўтказиш мақсадида, Гулистон шаҳар ФВ бўлими ва "Гулистоншаҳаргаз" газ таъминоти филиали ходимларидан иборат ишчи гуруҳ вакиллари томонидан марказий газ қувурлари ва газ тақсимлаш қутиларига техник хизмат кўрсатилмоқда.

## ГУЛИСТОНДА ТАРҒИБОТ

Август ойи мобайнида шаҳар ҳудудидаги 1578 та хонадон ва 114 та ижтимоий соҳа объектлари ўрганилган бўлиб, аниқланган 641 та камчиликнинг 516 таси жойида бартараф этилишига эришилган. Ижтимоий соҳа объектларидаги 32 та қоида бузилиш ҳолатларининг 17 таси бартараф этилган бўлиб, қолганларининг ижроси назоратга олинган.

Хонадон эгалари, объект масъулларига қўшимча йўриқномалар берилиб, зарурий эслатмалар тарқатилмоқда.

**Сирдарё вилояти ФВ матбуот хизмати.**



## MULKINGIZ XATLOVDAN O'TKAZILGANMI?

Ayni vaqtda Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumanida jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan ko'chmas mulk obyektlarini yalpi xatlovdan o'tkazishni o'z vaqtida va sifatli bajarilishini muvofiqlashtirish hamda nazorat qilish bo'yicha komissiyalar faoliyat yuritmoqda.

Xatlovni o'tkazishdan maqsad yer uchastkalari, binolar, inshootlar va ko'p yillik daraxtzorlarning egalari, ulardan foydalanuvchilar, ijarachilar hamda ular egallab turgan yer uchastkalari maydonlar, bino va inshootlarning hajmi, daraxtlarning turi, sonini aniqlashdan iborat.

Ma'lumotlarni yig'ish, ishlov berish mexanizmini standartlashni hisobga olish va kadastr axborot tizimini yaratish, davlat hokimiyati organlarini ko'chmas mulk obyektlari to'g'risidagi ishonchli, to'liq axborot bilan ta'minlash ham yalpi xatlovning asosiy vazifasiga kiradi. Bunda mutaxassislar har bir uy-joy, tomorqa yerlarini o'lchab, o'lchov ishlari amalga oshirilganligi to'g'risida dalolatnomalar tuzadi.

O'lchov ma'lumotlari umumlashtirilib, komissiyaga taqdim etiladi. Xatlov natijalarini ishchi guruh puxta tahlil qiladi va yer uchastkalariga huquqlarni belgilash, o'zboshimchalik bilan qurilgan bino va inshootlarni buzish yoki ularni mulk huquqi bilan saqlab qolish, yer uchastkalarini qonun hujjatlarida belgilangan me'yorlar bilan muvofiqlashtirish masalalarini hal qilish bo'yicha takliflar tayyorlaydi.

Shuningdek, jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli yer uchastkasi, bino va inshootlarga huquqiy hujjatlari mavjudligi tuman hokimining qurilish ishlari olib borish uchun yer uchastkasi ajratish to'g'risidagi, qurilishi tugallangan uy-joy, bino va inshootlarni komissiyaning foydalanishga qabul qilish to'g'risidagi dalolatnomasini tasdiqlash to'g'risidagi qarorlari, egalik huquqini tiklash haqidagi sud organlarining qarori kabi hujjatlarga e'tibor qaratilmoqda.

**Samandar SAMANDAROV,**  
Tuproqqal'a tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i,  
katta leytenant.  
**Erkinbay ERNAZAROV,**  
bo'lim bo'linma inspektori, oddiy askar.

## SONAGA OID

2022-2023 o'quv yili darslari boshlanganligi munosabati bilan Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan tumandagi umumta'lim maktablarida "Favqulodda vaziyatlarning oldini olish" mavzusida o'quv seminarlari tashkil etildi.



Uchrashuvlarda "Aholi orasida tabiiy va is gazidan, ovqatdan zaharlanish", "Botulizm hamda quturish kasalliklari", "Sel oqimlari xavfi yuzaga kelganda va sel kelganda harakat qilish qoidalari", "Favqulodda vaziyatlar yoki yong'in sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish, yong'in xavfsizligi talablariga rioya etish" mavzularida o'qituvchi va o'quvchilar, shuningdek, ishchi-xodimlar ishtirokida davra suhbatlari olib borildi.

**Samandar SAMANDAROV,**  
Tuproqqal'a tumani FV bo'limi NTB boshlig'i,  
katta leytenant.  
**Erkinbay ERNAZAROV,**  
bo'lim inspektori, oddiy askar.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазири Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан "Мустақиллик – энг улўф ва энг азиз неъмат" мавзусида адабий-бадий кеча ўтказилди.

## АДАБИЙ-БАДИЙ КЕЧА



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси шоира Зухрабегим Эшонқулова, шоира Фотима Низомова, шоирлар Наим Нур ва Дилмурод Шоназаровлар иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари тизим ходимларини мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллик байрами муносабати билан самимий муборакбод этиб, ўзларининг Ватанга муҳаббат, миллатга садоқат туйғуларини тараннум этувчи шеърларидан ўқиб эшиттирдилар.

Бадий кечада ташкил қилинган шеърхонлик мусобақасида ғолиб деб топилган подполковник У.Жумановга шоир Дилмурод Шоназаровнинг шеърини тўпламлари тухфа этилди.

Тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

**Ф.МАВЛОНОВ,**  
Марказ бўлинма бошлиғи, подполковник.  
**Б.ИШНАЗАРОВ,**  
Марказ АРМ бошлиғи, оддий аскар.

## БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА

Тошкент вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2022 йил манзилли дастури асосида туман ҳудудида капитал таъмирланаётган, реконструкция қилинаётган ва янгидан қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар лойиҳа-смета ҳужжатлари, амалдаги шаҳарсозлик норма қоидалари асосида ишлаб чиқилганлик ва ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилиши нуқтаи назаридан урганиб чиқилди.

Ўрганишлар давомида қурилиш объектларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, масъул шахсларга муҳим тавсиялар берилди.

Қурувчилар ёнғин ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш бўйича йуриқномадан ўтказилиб, уларга эслатма материаллар тарқатилди.



Азизбек ҚУШАҚОВ,  
Оққўрғон тумани ФВ бўлими МТБ бошлиғи, капитан.

## КЎНГИЛСИЗ ҲОЛАТЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

Пойтахтимиздаги аҳоли яшаш ҳудудларида ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари профилактика, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Статистик маълумотларга қараганда, ёнғинларнинг келиб чиқиши оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик натижасида содир бўлмоқда.

Ўз навбатида, юртдошларимизга қуйидаги қоидаларга амал қилишни тавсия этиб қоламиз:

- носоз электр асбоб-анжомларидан фойдаланманг;
- ёш болаларнинг уйда гугурт ўйнашига йўл қўйманг;
- маст ҳолда, ётоқда ётган ҳолда сигарета чекманг;
- уй, чордоқ ва ертўлаларда тез алангаланувчи суюқликларни сақламанг;
- уйингиз атрофида тўпланиб қолган қуриган барг ва ўтларни ёқиб юборманг;
- газ плитасидан ювилган кийимларни қуритиш мақсадида фойдаланманг ва ҳ.к

Хонадонингизда газ ҳидини сезсангиз, дарҳол эшик ва деразаларни очиб, уйни шамоллатинг ва “104” рақамига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтиринг. Юқоридаги тавсияларга риоя этсангиз, ўзингиз ва йиллар давомида мисқоллаб жамғарган бойликларингиз, уй-жойингизни ёнғин офатидан асраб қолган бўласиз.

Жамолiddин МАХАМАТЖОНОВ,  
Анжуманлар саройи ЁХТТЭБ мутахассиси,  
катта сержант.

## OLOV – TILSIZ YOV

Haftaning har chorshanba kuni – “Yong'inlar profilaktikasi kuni” doirasida joylarda qator targ'ibot-tashviqot ishlari olib borilmoqda. Ayni tadbirlar jarayonida muassasalardagi tarbiyachilar va tarbiyalanuvchilar, idora va tashkilotlardagi ishchi-xodimlarga yong'inga qarshi kurash choralarini yuzasidan tushuntirishlar berib borilmoqda.

Fuqarolar tomonidan o'chirilmagan gugurt cho'pi va sigaret qoldiqlarining har joylarga tashlab ketilishi, dazmol, tabiiy gazdan noto'g'ri foydalanish, yosh bolalarning gugurt bilan o'ynashlariga yo'l qo'yilishi, elektr simlarining nosozligi natijasida yong'inlar kelib chiqmoqda. Buning natijasida fuqarolarning moddiy talafot ko'rishi, turli darajadagi tan jarohatlari olishi kabi holatlar qayd etilmoqda.

Olov – tilsiz yov, deydi dono xalqimiz. Undan kundalik ro'zg'or ishlarida foydalanishda xavfsizlik qoidalariga qat'iy amal qilish har birimizning vazifamiz sanaladi.

Muhammad NORBOYEV, Toshkent shahar FVB YoXTTЭB  
YoN va PB mutaxassisi, oddiy askar.

## ЭМЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Олмазор тумани ФВ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими, мутасадди хизматлар ҳамкорлигида аҳоли хонадонларида катта ва кичик шохли уй ҳайвонларини боқиш, санитария қоидаларига амал қилиш, уй ҳайвонларини доимий равишда ветеринар назоратида



бўлишини таъминлаш, қутуриш касаллигига қарши курашиш,

касалликларга қарши эмлаш тадбирлари ўтказилди.

Тадбирлар давомида тушунтириш ишлари олиб борилиб, фуқароларга зарур тушунча-тавсиялар берилди.

М.МЕЛИБОЕВ,  
Олмазор тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи,  
майор.  
С.ИЛҲОМОВ,  
бўлим инспектори,  
лейтенант.

Мустақиллик байрамининг 31 йиллик тантаналари арафасида Ёзёвон тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимига замонавий ёнғин-қутқарув махсус автомашинаси топширилди.

Ёзёвон тумани Фарғона вилоятининг шимолий қисмида, Андижон ва Наманган вилоятлари билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бир қатор омиллар, хусусан, туман ҳудудидан А-373 автомагистралнинг ўтганлиги ҳамда йилнинг куз-қиш мавсумларида об-ҳаво инжиқликлари, асосан, қуюқ туман тушиши ва унинг узок суткалар давомида сақланиб туриши автомагистралда ҳалокатли автоаварияларнинг содир бўлишига олиб келмоқда. Шу ва бошқа омиллар сабабли қутқарув



асбоб-анжомлар билан жиҳозланган ҳамда 6 тонна сув сиймига эга бўлган “КАМАЗ” махсус ён-

## ЭНДИ ЯНАДА ҚУЛАЙ

ишларида маълум қийинчиликлар юзага келаётган эди.

24-ёнғин қутқарув-қисми ихтиёрига берилган замонавий гидравлик

фин-қутқарув автомашинаси энди бу бо-радаги қийинчиликларни енгиб ўтишда ёнғин-қутқарувчиларнинг беминнат ёрдамчиси бўлади, албатта.

Ушбу махсус ёнғин-қутқарув автомашинаси ёрдамида ёнғин қутқарувчиларимиз Ёзёвон ҳамда қўшни туманларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларни ўз вақтида бартараф этиб, фуқароларимизнинг ҳаёти, уларнинг мол-мулкни офат ва талафотлардан асраб қоладилар.

Абдужаббор СОТВОЛДИЕВ,  
Ёзёвон тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи,  
лейтенант.

## AMALIY YORDAM

Sirdaryo viloyati FVBning “1050” qisqa raqamiga Guliston shahar “Bo'ston” MFY hududidagi ariq ustiga o'rnatilgan metall panjara orasiga 11 yoshli bolakayning bir oyog'i tushib ketib, qisilib qolganligi to'g'risida murojaat kelib tushgan.

Zudlik bilan voqea joyiga yetib borgan qutqaruvchilar maxsus uskunalar yordamida bolaning oyog'ini panjara orasidan jarohatsiz chiqarib olib, amaliy yordam ko'rsatgan va ota-onasiga sog'-omon topshirgan.

O'z navbatida, Favqulodda vaziyatlar vazirligi barcha ota-onalardan farzandlarini nazoratsiz qoldirmaslikni so'rab qoladi.

Davronbek SULAYMONOV,  
Sirdaryo viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i, katta leytenant.

## ХАБАР БЕРИШ ТИЗИМЛАРИ

Бир вақтнинг ўзида қаватида 10 кишидан ортиқ одамлар бўладиган бино ва иншоотларда (яшаш уйларида ташқари) ёнғин ҳақида хабар берадиган мослама ўрнатилиши ҳамда ёнғин вақтида бинони тарқ этиш режаси ишлаб чиқилиб, кўринадиган жойга ўрнатилиши зарур.

Ёнғин тўғрисида хабар берувчи тизимларнинг вазифаси биноларда ёнғин содир бўлганда бу ҳақдаги хабарни тизим орқали диспетчер ёки назорат пунктларига етказишдир.

Ёнғиндан хабар берувчи тизимга, қоидага мувофиқ, қуйидаги асосий ускуналар киритилиши керак: хабар бериш матнларини олдиндан магнит лентасига ёзиб борувчи магнитофон, кучайтирувчи, коммутация чиқиш ускунаси, тарқалувчи чиқиш тармоғи, товуш колонкалар (динамиклар) ва ҳ.к.

Ёнғин ҳақида хабар бериш тизими:

– бинонинг хавфли ҳудудида бўлган ёнғин ҳақида хабар беришни унинг ҳамма қисмига ва ҳамма одамларга етказилишини таъминлаши керак;

– даволаш, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаб-интернатларининг дам олиш ётоқхоналарида ёнғин ҳақидаги хабар фақат хизматчи ходимларга етказилиши лозим;

– бинодаги одамларнинг ҳолатини инобатга олиш (уларнинг мустақил ҳаракати, эвакуация йўллари ва аҳоли миқдорини билиш);

– эвакуация босқичлари пайтида унинг ишлаши таъминлаши лозим ва бш.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш оғир ва аянчли оқибатларга олиб келиши муқаррарлигини ҳар доим ёдда тутишимиз зарур ва шарт.

Т.АЛЛАМБЕРГЕНОВ,  
“Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ ҚК ва унинг тасарруфидаги объектлар биноларида ЁХТТЭБ катта инспектори,  
катта лейтенант.

## MAVSUMGA TAYYORGARLIK

**Qashqadaryo viloyati FVB va uning joylardagi bo'limlari tomonidan ham mavsumni betalafot o'tkazish maqsadida, paxta yig'ish va qabul qilish maskanlarining mavsumga tayyorgarlik holati, u yerdagi paxtani tashishga mo'ljallangan texnikalarning sozligi va shayligi ko'zdan kechirilmoqda.**

Viloyat hududida 136,036 gektar maydonga 2022 yil paxta hosili ekilgan bo'lib, 434000 ming tonna paxta xom ashyosi yetishtirilishi rejalashtirilgan.

Terimchilarni tashish uchun 1010 ta transport (avtobus) vositalari ajratilgan. Paxta tashish uchun 3203 ta tirkamalar mavjud bo'lib, 1029 tasi (32%) ta'mirlangan, tirkamalar uchun 6406 dona yopinchiqlar ajratilgan.

Shu bilan birga, mas'ullarga mavjud tirkamalarning texnik holati, ularning mavsumga shayligi hamda yong'inga qarshi birlamchi yong'in



o'chirish vositalari bilan ta'minlanganligi hamda undan foydalanish qoidalari bo'yicha zarur tushunchalar berib o'tildi.

**M.OSTONOV,  
Qashqadaryo viloyati FVB  
boshlig'i o'rinbosari,  
podpolkovnik.**

## ПАХТА — БОЙЛИГИМИЗ

Пахта толаси энгил алангаланувчи модда ҳисобланиб, узок вақт тутаб ёниш хусусиятига эгаллиги ҳаммага маълум. У ёниш ва туташ жараёнида ўзидан захарли хил чиқаради. Пахта 407° С ҳароратда ўз-ўзидан ёниб кетиши, 210° С да алангаланиши, 205° С даража ҳароратда эса туташ мумкин. Яна шунинг эътиборга олини лозимки, пахта очик олов билан ёнаётганда 1100° С даража иссиқлик ҳароратини чиқаради. Шунга қўра, пахта сақланаётган жойларда намлик, сизимлар зичлиги, шамол ва бошқа хусусиятлар ёнгин вақтида алангалининг тез тарқалишига сабаб бўлади.



Пахта хом ашёсини сақлаш мобайнида унинг қизиби кетишининг олдини олиш ва намлик даражасини пасайтириш мақсадларида ғарамлар остидан махсус туннеллар ўтказилади.

Шунингдек, терим пайтида пахта ташиш транспортёрларидан унумли ва безарар фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Узлуксиз фойдаланилган транспортёрдан электр учқуни чиқиши ва пахта

толаларини алангалатиб, атрофга ёнгин тарқалишига олиб келиши мумкин.

Пахта ғарамлари ва умуман пахта хом ашёси қабул қилиш, қайта ишлаш жойларида очик оловдан, электр сим ўтказгичларидан, носоз техник қурилма ва ёритиш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Пахта ёнгинининг олдини олиш ва ёнгинларга сабаб бўлувчи омилларнинг юзага келишига йўл қўйган кишилар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари муқаррар.

Пахта — халқимиз меҳнати маҳсули. У бойлигимиз, иқтисодий раванқимизнинг асосларидан биридир. Шундай экан, бу бойликни ёнгин офатларидан асрашга ҳисса қўшиш барчанинг вазифаси бўлиб қолаверади.

**Элёр АЛИҚУЛОВ,  
Мирзаобод тумани ФВ  
бўлими бошлиғи ўринбосари,  
капитан.  
Давронбек СУЛАЙМОНОВ,  
Сирдарё вилояти ФВБ  
ахборот хизмати  
бошлиғи, катта  
лейтенант.**

## МУҲИМ ВАЗИФА

**Андижон вилояти ФВБ ва унинг қуйи тизим ходимлари томонидан пахта далаларида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзолари билан пахтани қайта ишлаш корхоналари ва тайёрлов масканларида ёнгиндан муҳофаза қилиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.**

Пахтани қайта ишлаш корхоналари, тайёрлов пунктлари, хирмонларнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш, бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминлаш зарур. Мавсумга жалб этилган барча турдаги транспорт воситаларида пахтани техник жиҳатдан носоз бўлган, мотордан ёғи оқиб турган автомашина ва тракторларда ташиш тақиқланади, ҳар бир транспорт учқун сундиргич ва ёнгин

ўчиригич билан жиҳозланган бўлиши талаб этилади. Пахтани транспорт қатнови йўлларида, жамоат жойларида, болалар боғчалари ва мактаблар яқинида қуритиш мумкин эмас. Пахта заводлари, тайёрлов пунктлари, хирмонлар, пахта қуриши жойларида, шунингдек, пахта юкланган транспорт яқинида сигарет чекиш, очик оловдан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Пахта теримига жалб этилган ҳашарчилар

жойлашган масканларнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолати талаб даражасида бўлиши ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши зарур.

Ҳашарчилар жойлашган бино, ёрдамчи хона ва омборларда носоз электр тизимлари, вақтинчалик ўтказилган электр сим ва кабеллардан фойдаланиш, тез ёнадиган суяк ёнилғиларни сақлаш, овқат тайёрлаш ва хоналарни иситишда электр асбобларидан фойдаланиш, хоналарни ёритиш учун шам ёқиш тақиқланади.

**С.ЗУЛУНОВ,  
Андижон вилояти ФВБ ОАВ ва  
ЖТБХҚГ бошлиғи, майор.  
С.УСМОНОВ,  
Хўжаобод тумани ФВ бўлими  
бошлиғи, подполковник.**

## НЕЪМАТНИ ЁНГИНДАН АСРАЙЛИК!

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида содир бўлган ёнгинларнинг таҳлили ёнгинлар кўп ҳолларда пахта хом ашёси сақланадиган жойларда содир бўлишини кўрсатади. Ушбу корхоналарда пахта хом ашёси очик майдонларда, бунтларда, бостирмалар остида ва омборларда сақланиши лозим. Омборлар ичида турли хил ажратувчи деворлар ва идора учун хоналар қуриш ман этилади. Барча ёнгинга чидамлилиқ даражасидаги ёпиқ турдаги омборлар ва бостирмалар, очик майдонда тахланган пахта штабеллари тагидаги асослари ёнмайдиغان материалдан тайёрланиши шарт.

Очик майдонларда пахта хом ашёсини сақлаш жойлари асосининг баландлиги ер сатҳидан 20 см.дан кам бўлмаслиги керак. Очик майдондаги оғирлиги 300 тоннагача бўлган пахта хом ашёси сақланадиган штабелларнинг ўлчами узунлигига 22 метр, кенлиги 11 метр ва баландлиги 8 метргача бўлиши лозим. Пахта толалари фақат той ҳолатида сақланади, очилиб кетган тойлар алоҳида штабелларга жойлаштирилиши лозим. Ёпиқ турдаги омборларда пахта толалари ёнмайдиغان материалдан тайёрланган таглик устига жойлаштирилади, бунда ўртадан узунлигига 2 метр кенликда йўлак қолдирилади ва ҳар бир эшик қаршисида ҳам худуди шундай кенликдаги кўндаланг йўлаклар қолдирилиши керак.

Пахта толаси тахланганда унинг юқори қисмидан омбор томидаги ёнувчан конструкцияларига чад бўлган масофа 1 метрдан кам бўлмаслиги зарур. Пахта толалари сақланадиган бостирма полининг майдони 300 дан 600 м<sup>2</sup>.гача бўлса, бунда кенлиги 2 метрдан кам бўлмаган битта кўндаланг йўлак қолдирилади. Агар майдон юза-

си 1200 м<sup>2</sup>.гача бўлса, 3 та йўлак, 1800 м<sup>2</sup>.гача бўлса, оралиғи бир хил бўлган 4 та йўлак қолдирилади. Бостирмаларда сақланадиган пахта толасининг юқори қисмидан томнинг ёнувчи конструкциялари ўртасидаги оралик 1 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Пахта толалари сақланадиган ёпиқ турдаги омбор, бостирма ва пахта штабеллари олдига автомашина ва тракторлар тутун чиқариш қувурларига учқунни тутиб қолувчи мослама ўрнатилган ҳолатдагина яқин келиши мумкин. Бунда транспорт воситаси тутун чиқариш қувури бостирма ёки штабелдан қарама-қарши томонда бўлиши керак. Пахта толалари сақланадиган майдонларда чекиш, очик оловдан фойдаланиш ман этилади. Чекишга алоҳида ажратилган хона ёки жойларда рухсат этилади. Ёпиқ турдаги омбор, шийпон, бостирмалар ва штабеллар яқинида «Чекиш ман этилади» ёзуви бўлиши шарт. Чекиш рухсат этилган жойларда эса «Чекиш учун жой» ёзуви бўлиши керак.

**Ж.ҚОСИМОВ,  
Денов тумани ФВ бўлими  
инспектори, катта лейтенант.**

## ОГОҲЛИК

**Нурафшон шаҳрида жойлашган ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли яшаш хонадонларининг мавсумга тайёргарлигини кўздан кечириш, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бар-тароф этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси тузилган бўлиб, ишчи гуруҳлар томонидан бу борадаги ишлар амалга оширилмоқда.**

Ўтган давр мобайнида ижтимоий соҳа объектларига, кўп қаватли ва яқка тартибдаги аҳоли яшаш уйларига, одамлар кўп йиғиладиган масканларга, корхона ва ташилотларга 6000 дан зиёд 8 турдаги тарғиб қилувчи материаллар тарқатилди.

Шунингдек, бу борада ҳокимият вакиллари, ФВ бўлими ходимлари, газ ва электр тармоқлари билан маҳаллаларда ва уй-жой мулкдорлар ширкатларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Мавсумни сермазмун ўтказиш, фуқароларни ёнгин ўчириш техниклари ва қуроллари, бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таништириш мақсадида аҳоли кўп йиғиладиган майдонларда, қурилиш масканларида, ўқув муассасаларида ва маҳаллаларда 8 мартаба ёнгин ўчириш

техникалари намойиши ўтказилди.

Шаҳар ҳудудида 76 та давлат тасарруфидаги объектлар мавжуд бўлиб, ишчи гуруҳ томонидан уларнинг барчаси мавсумга тайёргарлик бўйича ўрганиб чиқилди ва маскан раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, ёнгин кутқарув қисмининг навбатчи смена шахсий таркиби иштирокида халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида жойлашган 47 та ёнгинга қарши ер ости сув олгичлар, 16 та ёнгинга қарши сув ҳовузлари текшириб чиқилиб, носоз ҳолда бўлган ёнгинга қарши ер ости сув олгичлари ҳамда сув ҳовузларини таъмирлаш чоралари кўрилди.

**З.ТУРАПОВ,  
Нурафшон шаҳар ФВ  
бўлими бошлиғи ўринбосари,  
капитан.**

Истиқлол қадр

# БОБОМНИНГ ҲИКОЯСИ

Оиламиз тарихи билан боғлиқ ушбу воқеани ҳикоя қилишимнинг сабаби бор. Сенинг оиланг тарихи билан менинг нима ишим бор, дейишингиз ҳам мумкин. Гапингиз тўғри. Аммо юртимиздаги минг-минглаб оилалар тарихи бир бўлиб, томчилар йиғилганда уммон бўлганидек, Ватан, халқ, миллат тақдири, тарихини акс эттиради аслида...

Хуллас, бизнинг катта бобомизнинг исми лари Абдуғофурбой, водий элининг кўзга кўринган бойларидан бўлган эканлар. Биласиз, шўролар даврида бойларнинг мол-мулки тортти олиниб, ўзлари-ю оиласи олис ва ўзга юртларга сургун қилинган. Бундай тақдирларга мисоллар ўлкамизда жуда кўп...

Бизнинг ҳам Абдуғофурбой бобомиз, бир ўғлининг шўролар тутмоқчи бўлганда, маккажўхори ичига кириб, ғойиб бўлганини айтмаганда, қолган ўғиллари, келинлари, набиралари бир вагонга қамалган ҳолда, Украина томон юборилади. Куёвлари оддий ишчи-хизматчи бўлгани учунми қизларига ўз юртларида қолишга рухсат берилган экан. Ота макон, туғилган юртда бир-икки зурриётни ҳисобга олмаса, бир авлоддан ном-нишон қолмайди ҳисоб...

Бойнинг кенжа ва эркатой, ўжар ва қув, чўрткесар, мардлиги бир жаҳон бўлган ўғли Отажонбой ҳам шу вагонда кетарди. У ҳам аёли ва бир нафар фарзанди билан ўзга юртларга бадарға қилинди. Вагон ичи совуқ, кеч кузнинг совуғи жондан ўтади, тўн ҳам тўнлигини қилолмайди, барча мусичадай қунишиб, уйкудан мудрайди. Эшик олдида эса шўро соқчиси поезднинг ҳаракатига мос тебранганча бир уйғониб, бир пинакка кетиб, бурчини ўтайди. Орада асирларга олазарак қараб кўяди... Ойнинг гира-шира нуруни ҳисобга олмаса, вагон ичини зимистон деса ҳам бўлади.

Шу пайт Абдуғофурбой ота Худойимга оху нола қилади. Ўзига ўзи дарду алам билан сўйлайди:

- Эй парвардигорим! Сенинг берган неъматларинг сабаб пиру бадавлат бўлиб яшадим. Қўлимдан келганча инсонларнинг мушқулини енгиллатдим. Элимга хизмат қилдим. Қайси гуноҳларим учун менга бундай қисматни раво кўрдинг?! Наҳот энди ўз киндик қоним тўкилган ерда менинг бирон ўғил зурриётим қолиб, наслимни давом эттирмайди. Наҳот энди мен ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетаман!

Бу оху нола, ушбу кўргулик тақдирнинг синови экан-да, деб кетаётган Отажонбойнинг томирларидаги қонни гупиртириб юборди. Отанинг фарёди унинг икки жаҳонига ўт кўйди. Етмиш икки томирини ачиштирди. Бетоқатлик туйғуси кўксидagi алам қушини потирлатди.

Бўғзига аччиқ нимадир тиқилди, оғир ютинди. Кўзларида ёш ҳалқаланди. Қўллари беихтиёр муштга айланди... ва курашга чоғланди...

У ҳеч нарса демади. Шаҳд билан ўрнидан турди-да, мудраганча чўнкайиб кетаётган соқчининг устига қоплондек ташланди. Қоровул орқасига илиб олган милтигини олишга ҳам улгурмади. Бир зарб билан уни ерга қулатди-ю отасига охирги гапларини шиддат билан айтди:

- Отажон, мендан рози бўлинг! Иншооллох мана менман сизнинг авлодингизни давом эттирадиган. Қайта кўришолмасак, дийдор қиёматга қолди. Ўзингиз ва набираларингизни эҳтиёт қилинг...

Шундай дея Отажонбой вагон эшигини куч билан очди-да, шиддат билан зимистон тун қўйнида, биргина кўкдаги ой ҳамроҳлигида чўлу биёбонда пишқириб кетаётган поезддан ўзини ерга отди...

Абдуғофурбой кўзлари жиққа ёш, елкалари силкинганча йиғлар, ёшлари кўксидagi соқолини ювар, икки кўлини дуога кўтарганча тинмай ўғлини дуо қилар, у билан тириклайин видолашарди...

Отажонбой вагондан ўзини отганда, ерда думалаб-думалаб кетди. Кучли зарбдан бир зум хушини йўқотди. Кўзларини очганда, ўзини чўлу биёбонда, юлғунлар орасида кўрди. У кўз очган тупроқ эса Қозоғистон ўлкасининг чўллари эди.

Шу тариқа у маълум вақт юртига бормай, ўз тирикчилигини қилиб юрди. Оғир замонлар... Шўролар ва кўрбошилар бир-бирини бўри-ю сиртлонлардай таъқиб қилаётган, тўқнашаётган давр. Яшаш мушкул. Олган олганники, еган еганники... Отажонбой ўзининг кимлигини сир тутди. Керак бўлса, ўғрилар, қароқчилар, кўрбошилар сафида юрди. Талади ҳам, таланди ҳам. Яшаш учун курашди. Нима қилиб бўлса ҳам ўз оиласи, сулоласи учун омон қолмоғи шарт эди...

Йиллар ўтиб, туғилган қишлоғига етиб келди. Маҳалласида жон ҳовучлаб кетар экан, йўлидан болалиқдаги дўсти Жобир чиқиб қолди. У шўролар идорасида кичик бир амалда ишлар эди. Жобир дўсти билан қуюқ кўришади ва унга ёрдам беришни ваъда қилади. Кейин эса Отажонбойга бир энлик хат ёзиб, қўлига тутқазади. "Фалончига тез шу хатни олиб бор, сени иш билан таъминлайди", - дейди. Отажонбой эса ичида: "Эҳ, бойнинг боласиман, хат-саводнинг кераги йўқ, деб чакки қилган эканман, ўқиб, хат-савод чиқарсам бўларкан", - дея йўлда бораётганида, яна бир эски дўстини кўриб қолади. У ўқишни биладиган дўстига хатни кўрсатади ва нима деб ёзилганлигини сўрайди. Хатда эса қисқагина қилиб: "Душманнинг боласи, бойнинг ўғли келди, тезда қамаб қўйинглари!" - деб ёзилган эди.

Эски дўсти Отажонбойга тезлик билан боши оққан тарафга қочишни ва бу ерларга қайтиб келмасликни айтади. Отажонбой иккинчи марта киндик қони тўкилган гўшадан кўзда ёши билан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бахтга қарши бу сафар олислардан эмас, Янгийўл туманининг Халқобод қишлоғидан кўним топади. У айна жойда ўз сулола занжирининг риштала-ридан узилиб, мунчоқдек сочилиб кетган қариндошларини топади. Таъқибдан юрак олдирган уруғлар ер юзасида эмас, балки ертўла кавлаб, замин остида "кўзга кўринмай" умргузаронлик қилишга мажбур бўладилар...

Орадан йиллар ўтди. Отажонбойнинг опаси Муножотхоннинг ўғли Маҳмуд Иккинчи жаҳон урушидан кўкси орденларга тўлиб, фашистни чиққан жойига қадар қувиб бориб, яқсон қилиб, ғалаба кучиб, "герой" бўлиб қайтди. Вазни нақ бир юз эллик кило, уруш асоратлари сабаб тутилиб-тутилиб гапирадиган девқомат Маҳмуд ўз даврининг раҳбарларидан ер-сув, мулк олди ва Янгийўлнинг Халқободига келиб, уруғларининг кўпини водийга йиғиштириб олиб кетди...

Отажонбой унга тоға эмасми, азбаройи яхши кўрганидан, уни ташлаб кетгиси келмаганидан: "Яхшилиқча, мен билан кетсанг кетдинг, тоға, бўлмаса, тоғалингизга ҳам қараб ўтирмайман, фашистнинг калласини узгандай сенинг ҳам бошингни чумчуқдай узаман-да, кетавераман", - дейди дудуқланганча кўллари томоғига теккизган кўйи ишора қилиб...

Бу вақтда эса тоға юзларида майин табасум билан кўзлари жиққа ёшга тўлганча елкалари силкина-силкина жиянини бағрига босиб йиғларди...

Шу тариқа сочилиб кетган шажара бўғинлари ўзаро туташди...

Қиссадан ҳисса шулким, бугун мустақил-миз, хурлик, дориламон кунларда яшамоқдамиз. Бугун бой ва ишбилармон бўлсанг, сени ҳеч ким таъқиб қилмайди. Аксинча давлатимиз, муҳтарам Юртбошимиз ҳалол, виждонли, элу юртга нафи тегадиган бой-бадавлат, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қўллаб-қувватлаб, уларга барча имкониятларни яратиб бермоқдалар.

Ахир бундай кунларнинг қадрига етмай бўладими?!

Бу кунларнинг қадрига етиш учун ортга, тарихга бир-бир назар ташлаб турмоқ лозим ва шарт.

Зеро, неъматларни борида қадрламоқ ва уларга шукрона келтирмоқ ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир...

Баҳодир ОБИД.



## Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

*Бош муҳаррир в.б.*  
**Азамат СУҲОНОВ**

**Газета таҳририят**  
**компьютерхонасида**  
**саҳифаланди.**

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

*Навбатчи*  
**М. САНАЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6180 нусха

## ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР...



**НИМА УЧУН ҚОН ОЛИШ ВАҚТИДА  
НОМСИЗ БАРМОҚ АЗИЯТ ЧЕКАДИ?**

Аслида врачлар учун қайси бармоқдан қон олиш унчалик муҳим эмас. Инсонлар бу бармоқдан кам фойдаланадилар ва бу бармоқ кам ҳаракатли бўлгани сабаб ундан қон олишда фойдаланилади холос. Шуниси қизиқки, номсиз бармоқнинг учларида нервлар бошқалариникига нисбатан камроқ бўлади.



**НИМА УЧУН ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР  
ЧЕЛАГИНИНГ ШАКЛИ  
КОНУССИМОН БЎЛАДИ?**

Бундай шаклни Петр I даврларидан 1722 йилдан бошлаб фойдалана бошлашган. Бунинг сабаби — биринчидан, бундай челақни ўғирлашга ҳожат бўлмайди, иккинчидан, ўт ўчирувчилар диққатини ошириш учун. Чунки бу челақни ерга шундай қўйиб бўлмайди.

### МАКУЛАТУРА ТАРИХИДАН

1799 йили Луи Робер ноёб машинани ўйлаб топди. Унинг ёрдамида фойдаланиб бўлган кераксиз қоғозларни қайта ишлаш учун майдалайди. Бу машинка ёрдамида кунига 100 кг. келадиган қоғозларни майдалашга эришилган. Кейин эса бу қоғозлар иккинчи ҳаётни қўлга киритарди.

XIX асрга келиб эса кўпгина макулатура қабул қиладиган жойлар очилди. Ҳозирги вақтда макулатура йиғиш бўйича дунёда биринчилардан Германия туради ва бу давлат қоғозларни қайта ишлашнинг 70%ни ўз зиммасига олади.

Ҳар йили дунёда 115 миллиард офис ва рақлари макулатурага топширилади...

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**